

СУДДА ИШ ҚЎЗГАТИШ ВА ТАЙЁРЛАШ БОСҚИЧИДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Нурназаров Султон Эркинович

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг девонхона
мудири

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада судда иш қўзғатиш ва тайёрлаш босқичидаги асосий муаммолар, уларни бартараф этиш билан боғлиқ асосий тавсиялар берилган. Шунингдек, ушбу мақолада асосий муаммо билан боғлиқ илмий қарашлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокама қилинган. Барча процессал масалалар мавзу доирасида олимларнинг фикрларини ўрганган ҳолда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Иш қўзғатиш, муҳокамага тайёрлаш, суд ҳокимияти, рақамлаштириш, Е-суд, онлайн тартибда кўриш, “СМС” хабар.*

ABSTRACT

This article presents the main problems at the stage of filing and preparation of a case in court, as well as the main recommendations related to their elimination. Also, in this article, scientific views and normative legal documents related to the main problem were discussed. All procedural issues were analyzed by studying the opinions of scientists within the topic.

Key words: *Initiating a case, preparation for the hearing, judicial authority, digitalization, E-court, viewing online, "SMS" message.*

КИРИШ

Ишни суд муҳокамасига тайёрланиш баъзида шундай ҳолатга олиб келадикки, суд кўп вақт сарфлаб, тарафларни ва бошқа шахсларни одатдаги иш фаолиятидан чалғитади. Ишни кўришни кейинга қолдирганда процессуал муддатларнинг чўзилишига олиб келади ва фуқароларнинг асосли норозилигига сабаб бўлади. Бунга асосий сабаби шуки, кўпинча ишни тайёрлаш босқичида судларнинг етарли тайёргарлик кўрмаслиги, керакли процессуал ҳаракатларни амалга оширмаслиги ва муддатларга жиддий эътибор бермаслик оқибатида, суд процессининг кейинги босқичларида кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради, суд мажлисининг кейинг қолдириш ҳолатлари кўпаяди ва процессуал муддатлар чўзилиб кетади, шунингдек, ишни кўриш давомида ҳали ўрганилмаган ҳолатлар юзага чиқиши натижасида судларнинг ишни ҳал қилиши қийинлашади ва баъзида нотўғри қаророр қабул қилиши натижасида, кейинги инстансияда суд қарорининг бекор бўлишига олиб келади. Бу эса судларга бўлган фуқароларнинг ишончига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ

шундай бўлса ҳам айрим судлар жараённинг ушбу босқичига тегишли аҳамият бермаяпти, кўплаб тайёргарлик масалаларини ҳал этишга жиддий ёндашилмаяпти ёки уларни тезликда содда тартибда ҳал қилмоқда, натижада эса юқорида айтиб ўтган ҳолатлар юзага келмоқда.¹

Бундан ташқари, ишни суд муҳокамасига тайёрлашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда суднинг процессуал фаолияти ташкилий ишлар билан боғланганлигидир. Шунингдек, бу босқичнинг мақсади фуқаролик процессининг умумий вазифаларига эришишга қаратилган бўлади ва батафсил ҳуқуқий тартибга солиш тартиби мавжуд эмас. Фуқаролик ишларини тайёрлашни ҳар бир ишнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри ва аниқ ташкил этиш суднинг процессуал фаолиятини тайёргарлик босқичида ҳам, суд муҳокамаси босқичида ҳам такомиллаштиришга кўмаклашади.

Юқорида иш кўзғатиш ва тайёрлаш босқичлари тартибларини Россия қонунчилиги билан қиёсий таққослаган ҳолда, фуқаролик процессуал қонунчилигимизга аниқ илмий қарашлар билан ҳуқуқий таклифларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи навбатда шу масалага эътибор бериш лозимки, аввало, фуқаролик судларида ишни суд муҳомакасига тайёрлаш босқичида судгача мажлис тартибини жорий қилиш керак, бу тартибни биз юқорида Россия қонунчилигида ҳам кўриб чиқдик, шунингдек, судгача мажлис тартиби бизнинг иқтисодий процессуал кодексимизда ҳам ўз ифодасини топган. Бу тартиб судда иш кўришда судьяларга тарафлар ўртасидаги низони аниқроқ билиб олиш тарафлар ўртасидаги келишмовчиликларни имкони борича тезроқ ҳал қилишга анча ёрдам беради. Бу тартибнинг ижобий таъсирини биз аллақачон иқтисодий судларда кўриб турибмиз². Амалиётда кўплаб иқтисодий низолар тадбиркорлар ўртасида юзага келган арзимас тушунмовчиликлар натижасида келиб чиқмоқда, баъзан тарафлар ўртасида шартнома шартларини бажаришда кичик хатоларга йўл қўйиш оқибатида ҳам иқтисодий судга мурожаат қилишга сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатларда судьялар судгача мажлис ўтказган ҳолда тарафлар ўртасидаги низони янада аниқроқ тушуниб тарафларни шу мажлиснинг ўзида келишувга эришишга ҳаракат қилади. Иқтисодий судларда бошқа судларга қараганда ишлар бироз бошқача тарзда кечади, бу судларда кўп низолар узоққа чўзиладиган ёки мураккаб бўлмайди, чунки, асосий низолар тадбиркорлар ўртасидаги шартномавий муносабатлардан келиб чиққанлиги сабабли

¹ Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ишларини судда кўришда исботлаш ва далиллар. Монография. Тошкент: 2015. 71 б.

² Калашникова В.Б. Электронная демократия в России: утопия или прогрессивная реальность // Проблемы организации органов государственной власти и местного самоуправления: история, теория, практика и перспективы: сборник научных трудов. Иркутск, 2014. С. 150-157.

шартнома бўйича кимнинг қандай мажбурият ва ҳуқуқларга эга эканлиги аниқ бўлади ҳамда судьялар ҳам бундай ишларда қийинчиликсиз жавобгарни аниқлайдилар. Бироқ амалиётда бу каби ишларнинг кўплиги иш юкламаси оширади. Шундай вазиятда судгача мажлис тартиби судьяларга ишларни қисқа муддат ҳал қилишга ёрдам беради. Кўп ҳолларда тарафлар шартномадаги кичик тушунмовчилик сабабли судда низолашишни истамайди, судгача мажлиснинг ўзида жавобгар айбини тан олиб ўзаро келишув битими тузиб ишни тезроқ ёпишга ҳаракат қилади бу эса ортиқча вақт, пул сарфлашни олдини олади. Бу судьялар учун ҳам фойдали бўлиб ишларни судгача мажлис босқичидаёқ тугатиш имконини беради, натижада суд ишларининг ортиқча вақт талаб қилиши олди олинади.³

Агар бу тартиб фуқаролик судларида ҳам жорий қилинса, бу судларда анча енгиллик яратади чунки биламизки, амалиётда фуқаролик судларида иш юкламаси доимий тарзда кўп бўлган, фуқаролар ўзаро муносабатда жиддий бўлмаган низолар сабаб ҳам судга мурожаат қилиш ҳолатлари кўп учрайди бу каби ҳолатларда судьялар ҳам ортиқча вақт ва куч сарфлашга мажбур бўлишади ваҳоланки бундай низоларнинг биринчи суд мажлисидаёқ озаро келиш тузиш билан ҳал қилинади. Бироқ, бу каби ишлар судда қабул қилишдан то тугатишгача бўлган кўп вақт ва меҳнатни талаб қилади ва бу судьялардан ўртача бир ой вақт олади. Агарда фуқаролик судларида судгача мажлис жорий қилинса судьялар судгача мажлисда низони чуқурроқ ўрганиш ва вазиятга тўғри ва қисқа вақтда ечим топиш имкониятига эга бўлади натижада кўп низолар суд мажлисигача етиб бормасдан тугатилади. Бу судларга иш унумдорлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

Судгача мажлис тарафлар учун ҳам фойдали ҳисобланади, тарафлар судгача мажлисда ўзаро юзма-юз кўришиш орқали низони асл сабаби билиб олишларига имкон бўлади. Шунингдек, судгача мажлисда даъвогар қандай ҳужжатларда камчиликларга йўл қўйганини, қандай важлар билан даъвосини асослантириши мумкинлигини билиб олади, ҳамда суд мажлисигача қандай керакли далилларни топиш кераклигини билиб олади. Ўз навбатида жавобгар тараф ҳам судгача мажлисда даъвогар айнан қандай талаб қўяётгани, қандай мажбуриятга эгаллигини ҳамда суд мажлисигача қандай тайёргарлик кўриш кераклигини билиб олади. Бу ўз навбатида суд мажлисига пухта тайёргарлик кўриб, етарли даражада муҳим далилларни тўплашга ёрдам беради.

³ Мамасиддиқов М. Фуқаролик процесси. Фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар учун қўлланма.--Тошкент: Бактрия пресс, 2014. 138 б.

Иккинчи таклифимиз шуки, судга ёзма тарзда мурожаат этишда юзага келаётган муаммоли вазиятларни ечишда судга мурожаат этишни тўлиқ рақамлаштиришдир. Биламизки ҳозирги йигирма биринчи арсада кўплаб янгилик ва инноватсиялар суд тизимига ҳам кириб келмоқда. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори муҳим аҳамият касб этади ушбу қарорда суд органларини рақамлаштириш чора тадбирлари ҳамда судга масофадан туриб мурожаат қилишни жорий қилиш масалалари белгилаб берилган. Ушбу қарорга кўра қуйидаги суд органларини рақамлаштириш доираси қуйидаги ишларни амалга ошириш белгилаб берилди:

2021-йил 1-январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзудан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;⁴

2021-йил 1-июлдан бошлаб:

- апелляция ва кассация инстансияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш;

- барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “СМС” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;

- суд қарорларини тарафларга онлайн тарзда, агар уларнинг илтимосномаси бўлса қоғоз шаклида тақдим этиш;

- суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш тартиблари белгилаб берилди.⁵

Шунингдек, 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ҳужжатларини давлат архивига электрон шаклда топшириш тартиби ҳам жорий қилинди

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раёсатининг “Республика фуқаролик ишлари бўйича судларига мурожаатларни “Е-суд” ахборот тизими орқали тақдим қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида” қарори ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу қарорда суд органларида Е-СУД тизми жорий қилиш тартиб таомиллари келтирилиб ўтилган. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиш натижасида ҳозирги кунда фуқаролар судларга суд идорасига

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон Қарори

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон Қарори

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz

бормасдан туриб, уйдан чиқмаган ҳолда электрон суд тизими орқали судга мурожаат этиш ва суд ҳужжатлари ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўлишди.⁶

Ҳозирги кунда кўплаб фуқаролар судга ёзма мурожаат этишга одатланган, бироқ бу шаклда мурожаат этишда кўплаб муаммоларга дуч келишмоқда. Одатда судга кўп мурожаат қилмайдиган фуқаролар қандай тартибда даъво киритишни билмайди натижада даъво аризасида кўплаб муаммолар юзага келади масалан даъвогарнинг маълумотларида камчиликлар бўлиши, илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг йўқлиги каби. Бундан ташқари судга ёзма равишда келиб тушган аризаларни судда текшириш ҳам судья ва суйда ёрдамчиларидан малум бир вақтни ўз ичига олади. Амалиётда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида судга мурожаат қилишни тўлиқ электрон тазрга ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Судга электрон мурожаат қилишда электрон тизим орқали ариза киритилаётганда барча малумотлар тўғри ва тўлиқ ҳолда бўлиши, шунингдек, илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар ҳақида ҳам маълумот ҳам бўлишини жорий қилиш натижасида аризалар оддий камчиликлар билан қайтарилиб юборилишининг олди олинади. Бундан ташқари суд харажатларини тўлаш масаласида судга электрон мурожаат қилишда тизимга давлат божи ва почта харажатлари тўланганлиги ҳақида квитанция киритиш тартиби амалда мавжуд бўлиб буни амалга оширмасдан туриб судга ариза киритиб бўлмайди, шу сабабли электрон тарзда мурожаат қилинганда суд харажатлари билан боғлиқ муаммолар ўз-ўзидан бўлмайди бўлмайди. Бундан ташқари электрон йўл билан киритилган аризаларни текшириш ёзма равишда қилинган аризаларни текширишдан анча осон ва кам вақт талаб қилади, бу эса ўз навбатида судьяларга иш унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз судга мурожаат қилишда электрон усулда мурожаат қилишни тўлиқ жорий қилишни таклиф берамиз.⁷

Шунингдек, иқтисодий судларда қатнашувчи тарафлар фуқаролик судларида қатнашувчи тарафлардан фарқ қилади. Фуқаролик судларида ариза қилувчи шахслар асосан оддий фуқаролар бўлади ва улар ҳар доим ҳам судга мурожаат қилмаслиги сабабли судга қандай тартибда мурожаат қилиш кераклиги билмайди, натижада эса судга даъво киритишда камчиликларга йўл қўйиши мумкин. Бироқ, иқтисодий судларда асосан қатнашувчилар юридик шахсларнинг юрист ва адвокатлари ташкил этади, улар эса ўз навбатида суд қонунчилигидан яхши хабардор бўлган бир қанча суд ишларида қатнашган

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раёсатининг қарори, 30.01.2020 йилдаги РС-02-20-сон

⁷ Россия Федерацияси фуқаролик процессуал кодекси

бўлади, шунинг учун улар судга мурожаат қилишда оддий фуқаролардан фарқли равишда керакли хужжатлари қандай топширишни яхши билади ва судда ишни қабул қилишда деярли камчиликларга йўл қўймайдилар. Биламизки, иқтисодий судда аризани кўриб чиқиб уни қабул қилиш, қайтариш ёки рад қилиш масаласини беш кунлик муддатда ҳал қилиши керак, бу муддат судга аризани кўриб чиқиш, хусусан ариза судга тааллуқлилиқ ва тегишлилик бўйича судга алоқадорми ёки йўқлигини, аризада камчиликларга йўл қўйилган ёки йўқлигини аниқлаш учун берилган. Юқорида айтганимиздек, иқтисодий судга мурожаат қилаётган юрист адвокатлар оддий фуқаролардан фарқли бундай тартибга қатъий риоя қилишади ва аризани камчиликларсиз ёзиб, тегишли судга топширадилар, суд камчиликларсиз ёзилган бундай аризаларни ортиқча вақт ўтказмасдан дарҳол қабул қилиб, иш қўзғатиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шуларга асосланиб бизнинг таклифимиз шу бўладики, иқтисодий судларга мурожаат қилишни тўлиқ рақамлаштириш билан бирга тизимга ариза юкланган пайтдан бошлаб дарҳол иш қўзғатиш тартибини жорий қилиш керак.

Бундан ташқари, судя томонидан судга келиб тушган аризани кўриб чиқиб уни қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ва қайтариш масаласини ҳал қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддатни керакли даражада қисқартириш мақсадга мувофиқ бўлади бизнинг назаримизда. Бу масалада хорижий давлат тажрибасини кўрадиган бўлсак, юқорида кўриб ўтилган Россия Федерацияси фуқаролик процессуал кодекси 133-моддасига кўра судя судга келиб аризани беш кунлик муддатда қабул қилиш, қайтариш, қабул қилишни рад этиш масаласини кўриб чиқиши кераклиги белгилаб қўйилган. Аризани кўриш давомида судя биринчи навбатда аризининг ушбу судга тааллуқлилиги ва тегишлилигини, кейин эса аризининг ФПК талабларига жавоб берадиган ҳолда топширилганлигини текширади ҳолос, агар ариза ФПК талабларига мос бўлмаса ё қайтаради ёки рад этади, шундай экан буларни амалга ошириш учун нега ўн кунлик муддат берилиши керак? Ваҳоланки Россия қонунчилида бу муддатнинг етарли даражада қисқалиги ишни судда қабул қилиш масаласини қисқа муддатда ҳал қилиш имконини бермоқда натижада мураккаб ишларни ортиқча вақт сарфламасдан кўриб чиқиб ҳал қилиш имкони юзага келмоқда бу муддатнинг қисқалиги тарафлар учун ҳам манфаатли бўлиб, баъзида аризани қабул қилиш давомида низоли ҳолатнинг вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотиш хавфинининг вужудга келишини олдини олишга ёрдам бермоқда.⁸

Бундан ташқари, фуқаролик судларидан фарқли равишда иқтисодий судларда судя аризани кўриб чиқиб, уни қабул қилиши, ёки қилмаслик

⁸ Россия Федерацияси фуқаролик процессуал кодекси

масаласини беш кунлик муддатда ичида ҳал қилади. Бу муддатнинг қисқалиги иқтисодий судларда ҳам низони ҳал қилишга кўп вақт ва маҳнат сарфламасдан, қисқа муддат ичида ҳал қилиш имконини бермоқда, натижада эса иқтисодий судларда ортиқча иш юкламасига камайиб судьяларнинг иши енгиллашмоқда, шунингдек, тарафлар ҳам низоларни судда қисқа муддат ичи ҳал қилиниши натижасида вақтдан ютмоқдалар.

ХУЛОСА

Шунинг учун, юқорида Россия қонунчилигини ўрганган ҳолда, ва иқтисодий процессуал кодексда белгиланган нормаларга асосланиб, фуқаролик судларда аризани кўриб чиқиш учун минимал тарзда беш кунлик муддат берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Аризани кўриб чиқиш муддатини қисқартириш тарафлар учун ҳам манфаатли бўлади, чунки низоларнинг қисқа муддат ичида судга қабул қилиб иш кўришни бошлаши тарафларнинг низони ҳал қилиш учун кўп вақт сарфлашдан озод қилади, биламизки, суд муҳокамасининг чўзилиши тарафларни уларнинг доимий ишларидан чалғишига ҳам сабаб бўлади, бундан ташқари вақт ўтиши натижасида эса баъзи низоли ҳолатларнинг ўз аҳамиятини йўқотиш хавфи юзага келиши мумкин, шу сабабли бу масала тарафлар учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Судларда ҳам аризани кўриб чиқиш муддатини қисқартириш орқали даъво аризаларини тезроқ кўриб чиқиб иш юритувига қабул қилиш масаласини ҳал қилишга туртки беради ҳамда ишни судда кўриш жараёни сезиларли даражада қисқаради, бу эса судьялар учун ҳам ишни қисқа фурсатда кўриб, ҳал қилишга имконият беради, натижада судларда ортиқча иш юкламаси ҳам камаяди.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES):

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раёсатининг қарори, 30.01.2020 йилдаги РС-02-20-сон
3. Морхат, П. М. Возможности, особенности и условия применения искусственного интеллекта в юридической практике /Администратор суда. – 2018. – № 2. – С. 8–12
4. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ишларини судда кўришда исботлаш ва далиллар. Монография. Тошкент: 2015. 71 б.

5. Мамасиддиқов М. Фуқаролик процесси. Фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар учун қўлланма.--Тошкент: Бактрия пресс, 2014. 138 б.
6. Россия Федерацияси фуқаролик процессуал кодекси
7. Saferstein, Richard. A Simplified Guide To Digital Evidence. National Forensic Science Technology Center@NFSTC Largo, Florida 2015.
8. Угрюмова, К. И. (2014). Электронное правосудие в гражданском и арбитражном процессах. In *Право в условиях глобализации: материалы всероссийской научной конференции (Архангельск, 10 апреля 2013 г.)*.— Архангельск (pp. 93-96).